“Қадриятларинг боқий бўлсин, NAVRO'Z!”

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 11 (1528)

2025-YIL 21-MART, JUMA

https://adolat24.uz/

t.me/Gazeta_Adolat



5

## Наврўзи олам муборак!

***“Адолат” социал-демократик партияси барча нуроний отахон ва онахонларимиз, мунис ва меҳрибон опа-сингилларимиз, меҳнаткаш ва фидойи юртдошларимиз, азму шижоатли ёшларимизни Шарқона янги йил – Наврўз байрами билан муборакбод этади!***

*Бугун “**Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!**” деган бош ғоя асосида кенг кўламда тантана қилинаётган байрам шодиёналари, мамлакатимизда кечаётган туб демократик ислоҳотлар, халқимизнинг кундалик ҳаёти, онги ва дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар Наврўзнинг инсонпарварлик ва инклюзивлик моҳиятига, азалий қадрият ва анъаналарига ҳамоҳанг эканини ўзида акс эттирмоқда.*

*Шарқ цивилизациясининг маданий мероси сифатида асрлар давомида нишонлаб келинадиган кўклам тантанаси ҳар биримизни бирдамликка, ҳамжиҳатликка табиат ва инсон ўртасидаги ришталар муштараклиги, эзгу мақсад ва режаларни амалга оширишга ундайди.*

*Айни шукуҳли онларда юртимизга тинчлик ва осойишталик, хонадонларимизга файз ва барака тилаймиз!*

*Мустаҳкам соғлик, муҳаббат ва меҳр-оқибат, баҳорий кайфият ҳеч биримизни тарк этмасин!*

*Наврўзи олам муборак бўлсин, азизлар!*

***Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси***

Муносабат

## ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ муносабатларида янги давр



**Робахон МАХМУДОВА,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари**

Сўнгги кунларда жаҳон ҳамжамияти ва юртдошларимизнинг диққат-эътибори Франция марказига қаратилди десак, адашмаган бўламиз.

Сабаби, 11-13 март кунлари Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Европанинг ривожланган давлатларидан бири бўлмиш Францияда бўлдилар.

2

## ОБОД МАҲАЛЛА, КЎЧА, ХОНАДОН

Хушхабар




**"Обод маҳалла", "Обод кўча" ва "Обод хонадон" кўрик-танловида аҳиллик билан иштирок этган Норин туманидаги Учтепа маҳалла фуқаролар йиғини Наманган вилояти бўйича ўтказилган кўрик-танловда муваффақиятли иштирок этиб, фахрли биринчи ўринни қўлга киритди ва республика босқичига йўлланма олди.**

"Адолат" социал-демократик партияси фаоли, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Учтепа маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилшод Шералиев бошчилигидаги аҳил жамоа ободлик йўлида бирдамликда амалга оширган ишлари туфайли шундай ютуққа сазовор бўлди.

Партиямиз номидан вилоят кенгаши депутати Дилшод Шералиевни ғалаба билан муборакбод этган ҳолда, республика босқичида ҳам муваффақият тилаймиз!

**Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати**

## Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов таваллуд топган кун

*Қишнинг аҳволига боқиб ҳойнаҳой,*
*Юм-юм ёш тўкмоқда эриётган муз.*
*Жилва қилаётир тенгсиз бир чирой,*
*Демак баҳор келди, келмоқда Наврўз!*

*Она бағри каби илиқдир олам,*
*Ҳарир-ҳовур ичра яйрар дала-туз.*
*Қолди пучмоқларда хазон янглиғ ғам,*
*Демак баҳор келди, келмоқда Наврўз!*

*Яна кўнгиллардан рутубат кетди,*
*Яна шуълалардан қамашмоқда кўз.*
*Яна дилдорликнинг фурсати етди,*
*Демак баҳор келди, келмоқда Наврўз!..*

5

Давра суҳбати




# ЖАМИЯТ ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН зўравонликка мутлақо тоқатсизлик билан ёндашиши керак!

Маълумки, бугунги кунда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш устувор йўналишлардан бирига айланди. Бу борада "Адолат" СДП хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бошқарув лавозимларида ўрнини кенгайтириш, уларнинг орзу-истакларини рўёбга чиқариш бўйича муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари суриб келмоқда.

Ўзбекистон "Адолат" СДП ва бошқа масъул ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган "Биз зўравонликка қаршимиз!" мавзусида давра суҳбати ҳам партия мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этди. Унда хотин-қизларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш билан бирга тазйиқ ва зўравонликдан асраш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган тизимли ишлар, партиянинг бу йўналишдаги амалий таклиф ва ташаббуслари хусусида йиғилганларга маълумот берилди.

Тадбирда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосарлари, партия Марказий аппарати масъуллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, партиянинг "Адолатчи аёллар" қаноти фаоллари, университет талабалари, ОАВ ходимлари қатнашди.

Даставвал "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдукамол Рахмонов сўзга чиқиб, партиямиз хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишида муҳим таклифларни илгари сурган илк партия бўлганини эътироф этаркан, бу борада айни даврда ҳам салмоқли ишлар олиб борилаётганини таъкидлади.

Хусусан, партиянинг "Бир "адолатчи" – юз аёлга ҳимоячи" лойиҳасига алоҳида тўхталди. Шунингдек, лойиҳа доирасида хотин-қизларни жамиятда ўз ўрнини топиши, тазйиқ ва зўравонликдан асраш, муаммо ва таклифларини ўрганиш ва ҳал қилиш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари бўйича эришилган ютуқлар, олдиндаги вазифалар тўғрисида сўз юритди.

Шундан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоси Гулнорахон Абдувоҳидова мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш ҳамда уларга берилаётган имкониятлар, "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 майдаги "Тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатишни такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида фикр билдирди.

Ички ишлар вазирлиги масъул ходими Дилноза Убайдуллаева бугунги кунда зўравонликка учраган хотин-қизларга берилаётган ҳимоя ордери зўравонликнинг ҳар қандай туридан ҳимоя қилишнинг муҳим воситаси эканлиги, шунингдек, зўравонлик ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик кучайтирилгани, бу борада содир этилаётган жиноятлар статистикаси юзасидан маъруза қилиб, уларнинг иштирокчиси бўлиб қолмаслик учун талаба қизларга тавсиялар берди.

*– Хотин-қизлар ўз ҳуқуқларини билмаслиги ёки зўравонликни маълум қилишдан қўрқиши ҳолатлари ҳам учраб туради,* **– дейди Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бошқарма бошлиғи Ўғилой Ўразова.** *– Айнан шу сабабдан уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Ўқув курслари, тренинглар ва оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларни ўз ҳуқуқларини билишга ва улардан фойдаланишга ўргатиш муҳим. Чунки баъзан жабрланувчилар нафақат қонун ҳимояси борлигини, балки ундан қандай фойдаланишни ҳам билмайди. Зўравонликка қарши курашиш – бу умумий масъулият. Давлат қонунчилик асосида ҳимоя чораларини кучайтирса, жамият бу муаммони келтириб чиқараётган сабаблар билан курашиши, маънавий муҳитни соғломлаштириши лозим. Агар ҳар бир инсон зўравонликка бефарқ бўлмаса, уни кўриб-кўрмасликка олмаса, биз бу иллатга қарши самарали кураша оламиз.*

Тадбирда асрий қадриятларни қадрлаш, оилавий низоларни юзага келтирувчи омилларга қарши курашиш, оила тинчлигини асраш орқали халқ якдиллиги, Ватан равнақига муносиб ҳисса қўшиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги эътироф этилди.

"Психосфера" психологик маркази директори, психология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент, БМТ ЮНФПА миллий консультанти Санжар Йўлдошев зўравонликнинг олдини олишда инсоннинг психологик тайёргарлиги қандай ўрин тутиши кераклиги бўйича маъруза қилди. Унинг таъкидлашича, зўравонликка учрамаслик учун аввало, инсон ўзининг шахсий чегараларини аниқ белгилаши, психологик иммунитетини шакллантириши ва оғир ҳолатларда тўғри ҳаракат қилиш кўникмасига эга бўлиши зарур.

Шу билан бир қаторда, инсон ўз қадр-қимматини англаши ва уни ҳимоя қила олиши, бунинг учун, ёшликданоқ ўз ҳуқуқларини билиш ва турли манипуляцияларга берилмаслик муҳим. Одамлар стрессли ҳолатларда ўзини йўқотмаслиги, вазиятни таҳлил қилиш ва тўғри қарор қабул қилиш кўникмасига эга бўлиши лозим. Шунингдек, у зўравонликка қарши психологик таълим ва маслаҳат хизматларини кенгайтириш, ёшлар учун хавфсиз муносабатлар ва стресс-бардошлик бўйича тренинглар ўтказиш зарурлигини қайд этди.

*– Суҳбатдан ўзимга кўплаб муҳим билим ва тавсиялар олдим,* **– дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети 4-босқич талабаси, тадбир иштирокчиси Жасмина Рустамова.** *– Шу пайтгача зўравонлик ҳақида кўп эшитганмиз, лекин унинг олдини олиш, айниқса, психологик ҳимояни шакллантириш борасида бунчалик кенг кўламда фикр юритмаган эканмиз. Умуман, ҳар бир инсон, айниқса, аёл-қизлар ўзини ҳимоя қилишни, шахсий чегараларини белгилашни ва зўравонликка қарши муросасиз позицияни эгаллашни ўрганиши керак. Бу фақат давлат ёки ҳуқуқ-тартибот идораларининг вазифаси эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси бунга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Шундан келиб чиқиб, ёшлар орасида зўравонликка қарши маданиятни шакллантириш, турли тренинг ва амалий машғулотлар ташкил этиш, бундай муаммолар юзасидан очиқ мулоқотларни кўпроқ ўтказиш зарур. Биз нафақат ўзимиз, балки атрофимиздаги инсонлар ҳақида ҳам қайғуришимиз керак. Агар бирор инсон зўравонликка дуч келаётганини кўрсак, унга бефарқ бўлмаслигимиз, ёрдам кўрсатиш учун ҳаракат қилишимиз шарт. Чунки зўравонликка қарши кураш – умумий бурчимиздир.*

Тадбир якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга эксперт-мутахассислардан керакли жавобларни олишди.



***

Шунингдек, мазкур мавзудаги давра суҳбатларидан яна бири пойтахтимиздаги Тошкент амалий фанлар университетида ташкил этилди. Тадбирни "Адолат" СДП Сергели туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Собир Турсунов кириш сўзи билан очди.

Собир Турсунов айни кунларда "Зўравонликка қарши кураш ойлиги" доирасида республикамизда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот тадбирлари, бу йўналишда партия ташаббуси билан ташкил қилинаётган мазкур давра суҳбатининг аҳамияти юзасидан фикр билдирди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Гулнорахон Абдувоҳидова сўзга чиқиб, мамлакатимизда хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётганислоҳотлар, миллий қонунчилик меъёрларининг такомиллашуви ва тизимдаги энг сўнгги янгиликлар ҳақида маъруза қилди.

Тадбир давомида амалдаги қонунчиликда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қандай янги чора-тадбирлар жорий этилгани, тизимдаги ўзгаришлар ва уларнинг ижросини таъминлашда давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг роли ҳақида ҳам атрофлича маълумот берилди.

Оила ва хотин-қизлар қўмитаси масъул ходими Нигора Тошқулова хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида Қўмита томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот берди.

Нигора Тошқулова ўз чиқишида Қўмита ташаббуси билан жамиятда зўравонликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, хотин-қизлар ҳуқуқлари бўйича аҳоли хабардорлигини оширишга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали олиб борилаётган ишларнинг аҳамиятига ҳам эътибор қаратди. Шунингдек, у зўравонликнинг олдини олишда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, ННТлар ҳамда кенг жамоатчилик билан ҳамкорликни янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Давра суҳбат якунида хотин-қизларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тарғиботга қаратилган махсус видеоролик намойиш этилди.

**"Адолат" СДП Матбуот хизмати**

Фракция йиғилиши

# Даъвосиз иш очишлар тўхтатилади

Баъзи ҳолларда ҳуқуқбузарликни аниқлаш учун тегишли маъмурий органлар ўз ташаббуси билан иш бошлашади. Мисол учун, ички ишлар органлари ёки бошқа ваколатли ташкилотлар жамоат жойларида юзага келган қонунбузарликларни аниқласа, жабрланувчининг аризаси бўлмаса ҳам маъмурий иш очилади.

Фараз қилайлик, кўчада икки шахс ўзаро тортишиб қолди ва бунга гувоҳ бўлган ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари масалага жиддий тус бериб, ҳар икки шахсни идорага олиб бориб, баённома расмийлаштиради. Айрим вақтларда шу зайлда бошланган иш судгача олиб борилади. Жабрланувчи у даражада катта зарар кўрмаган бўлса-да, ходимларнинг таъсири билан иш катталашиб кетгани, аслида бунгача ўзаро келишув ва ярашув билан иш ёпилиб кетиши мумкинлигини айтади.

Амалдаги тартибга кўра, тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан шахсни жавобгарликдан озод қилиш нафақат суриштирув ёки тергов босқичида ярашувга келишилган ишлар бўйича, балки айблов хулосаси билан судга келиб тушганидан сўнг, суд маслаҳатхонага киргунга қадар, жабрланувчи томонидан ярашганлик тўғрисидаги ариза тақдим этилган ишлар бўйича амалга оширилади. Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин. Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек, ярашилганлиги муносабати билан ҳуқуқбузарлик юзасидан иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.



Англаганингиздек, бирмунча мураккаб бўлган мазкур тартиб натижасида ортиқча вақт сарфланиб, оворагарчилик кўпаяди. Судлар шуғулланиши зарур бўлган долзарб масалалар эса ҳамиша етарли бўлган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида айнан мана шу масала, яъни «Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш»ни назарда тутувчи қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.



Мазкур ҳужжат бир гуруҳ депутатлар томонидан сайловчилар билан учрашувлар давомида кўтарилган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ҳамда янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 29-моддаси асосида ишлаб чиқилган.

Ташаббускорлар томонидан қонун лойиҳаси кодексдаги 11 моддани қамраб олган бўлиб, янги модда ва 3 моддага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётгани, лойиҳани ишлаб чиқиш жараёнида Германия, Франция, Швеция, Буюк Британия ҳамда Озарбайжон каби хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилгани таъкидланиб, бу бўйича аниқ мисоллар келтирилди.

Унда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш амалиётига хусусий айблов институтини жорий этиш назарда тутилмоқда. Бунда айрим тоифадаги ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш фақат жабрланувчининг аризасига асосан бошланиши белгиланмоқда.

Аммо бир жиҳат борки, жабрланувчи ночор аҳволда эканлиги, вояга етмаганлиги сабаб мавжуд тартиблардан фойдаланишни билмаслиги ёки ҳуқуқбузарга қарам бўлгани туфайли тегишли идораларга ариза бера олмаслиги мумкин. Фракция аъзоларининг бу борадаги эътирозларига жавобан қонун лойиҳасида мазкур жиҳатларга ҳам эътибор қаратилганлиги қонун ташаббускорлари томонидан таъкидланди.

*– Кўпинча аёллар ўзига нисбатан қилинган шаҳвоний шилқимлик ёки оиладаги зўравонлик тўғрисида ҳар доим ҳам ариза билан мурожаат қилмаслиги мумкин. Бунга кучли қўрқув ёки тазйиқ сабаб бўлади. Шу боис Ўзбекистонда оилавий зўравонлик ҳолатларининг аксарияти қонуний жавобгарликка тортишгача етиб бормайди, жабрланувчи аёллар кўпинча қариндошларидан ёрдам кутади, жуда кам ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилади. Мурожаат қилганда ҳам кўпинча органлар томонидан ярашиш ва ишни ёпишга ундаш ҳолатларига дуч келади. Шу боис бундай ҳолатларда жабрланувчининг аризаси бўлмаса ҳам воқеликка гувоҳ бошқа шахсларнинг кўрсатмаси билан иш очилиши мантиқан тўғри ва бу ўтган вақт давомида шу турдаги ҳуқуқбузарликларни бартараф этишда самара берган. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида эса булар назардан четда қолганини кўряпмиз,* **– деди «Адолат» СДП фракцияси раҳбари Робахон Махмудова. –** *Тўғри, жабрланувчининг ночор аҳволи ҳамда балоғатга етмагани, шунингдек ҳуқуқбузарга қарам эканлигини ўрганиш масаласи лойиҳадан ўрин олган, лекин аёллар масалалари бўйича аниқ тартиблар кўрсатилиши ва бу бўйича соддалаштирилган аввалги тартибларга зид бўлмаслиги керак.*

Фракция аъзолари томонидан қонун лойиҳаси юзасидан бошқа таклиф ва тавсиялар ҳам илгари сурилиб, лойиҳанинг ижтимоий аҳамияти, аҳоли манфаатларига мувофиқлиги, иқтисодий ва ҳуқуқий асослари атрофлича таҳлил қилинди.

Қайд этилганидек, ушбу қонун лойиҳаси жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, унинг шахсий ҳаётига асоссиз аралашувнинг олдини олишга хизмат қилади.

# Март ойи "Томорқа ойлиги"

**Амалдаги йилни республикамизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йили" дея номланиши юртдошларимизни яратувчиликка, она табиатни асраб-авайлашга бошлади. Андижонда март ойини "Томорқа ойлиги" деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас. Ташаббус барчани ўз томорқасидан самарали фойдаланишга, кўчатлар экиш орқали яшилликни оширишга бошлади. Бу ҳаракатда "Адолат" СДП фаоллари ҳам фаол иштирок этяпти.**

"Адолат" СДП Андижон вилоят кенгаши раиси Мадаминжон Мадазимов бу борада сафдошларимизга намуна бўлмоқда. Ўз яшаш хонадонида оила аъзолари билан Наврўз байрами арафасида мевали ва манзарали кўчатлар экиб, она табиатни бойитишга ҳисса қўшди.

*– Агар ҳар биримиз ўз томорқамизга кўчат эксак, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирсак бу биринчи навбатда оила бюджетини бойитади,* **– дейди халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М.Мадазимов. –** *Аслида томорқа даромад асоси. Ундан мақсадли фойдаланиш лозим. Бу айни вақтда фарзандларимизни табиатни севишга, меҳнат қилишга ҳам ўргатади.*

Партия етакчиси бошлаган ташаббус сафдошларимизни ҳам яратувчилик ишларига бошлади. Партия фаоллари томорқасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш баробарида беш тупдан кўчат экишга қарор қилдилар.

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**



# ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ муносабатларида янги давр

1

Мазкур тарихий давлат ташрифи давомида Президентимизни расмий кутиб олиш маросими, ундан сўнг давлатимиз раҳбари шарафига уюштирилган давлат қабул маросими юқори даражада ўтказилгани бутун дунё ҳамжамиятининг эътибори ва эътирофига сабаб бўлди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг Франциянинг энг олий мукофоти — Фахрий легион ордени билан тақдирлангани биз, “Адолат”чиларни ҳам барча юртдошларимиз қатори жуда хурсанд қилди. Чунки Франциянинг бу юксак мукофоти жаҳоннинг энг машҳур ва тараққий топган давлатлари раҳбарларининг камдан-камига насиб этган.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Франция Марказий Осиёнинг тез суръатларда тараққий топаётган давлатларидан бири, яъни Ўзбекистондаги ислоҳотларни юқори даражада баҳоламоқда. Президентимиз бошчилигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларини францияликлар ва бутун дунё ҳамжамияти эътироф этмоқда.

Тўғри, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. Тарихдан яхши биламиз, Франция қироли Карл VI ва Амир Темур даврида ўзаро савдо-сотиқ ва дўстона муносабатлар юқори даражада йўлга қўйилган. Франциялиknown ҳатто Соҳибқирон бобомизни “Европа халоскори”, деб ҳам аташади. Ҳали ҳамон Амир Темур бобомизга юксак ҳурмат билан муносабатда бўлишади.

Тарих такрорланади, дейишгани бежиз эмас экан. Орадан асрлар ўтиб, Ўзбекистон етакчисига бўлган муносабат, ҳурмат қайтадан тикланди. Яъни, адолатпарвар Амир Темур бобомиз давридаги муносабатлар, ҳурмат-эътибор Президентимиз Шавкат Мирзиёев даврида янада юқори чўққига кўтарилди.

Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг Францияга давлат ташрифи Ўзбекистон-Франция муносабатларида мутлақо янги даврни бошлаб берди.

Дунё мамлакатлари ўртасида зиддиятлар, тўқнашувлар кучайиб бораётган бир пайтда Ўзбекистон давлатига, унинг Президентига бўлган эътибор ва ҳурмат даражаси қанчалик юқори бўлаётгани, икки мамлакат ўртасида стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги декларация қабул қилинганининг ўзи ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори даражада баҳоланганидан далолат бериб турибди.

“Адолат” социал-демократик партияси ва унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси Президентимизнинг ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле билан ўтказган музокараларига алоҳида эътибор қаратди. Бу музокараларда ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда ташкилот Бош конференцияси бу йилги 43-сессияси илк марта Самарқанд шаҳрида ўтказилиши билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилингани диққат марказимизда бўлди.

Биз Самарқандда ўтказиладиган сессияда партиямиз томонидан илгари сурилаётган ғояларимизга мос келадиган масалалар халқаро даражада муҳокама қилинишига умид қиламиз.

Хусусан, таълим, тиббиёт, илм-фанни ривожлантиришнинг долзарб масалаларини кенг миқёсда муҳокама қилишга, дунё мамлакатларида учраб турган глобал муаммоларнинг ечимини биргаликда излаб топишга эришамиз, деб ўйлаймиз.

Умуман олганда, бу галги расмий ташриф яқин ва узоқ истиқболда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий ва илмий соҳадаги алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, деб айта оламиз ва бу борада парламентнинг роли ҳамда ўрнини оширишга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишга интиламиз.




# Энди Парижда ҳам Самарқанд кўчаси бор

Давлатимиз раҳбарининг Францияга ташрифи икки давлат ўртасида узоқ тарихга эга ҳамкорлик алоқаларини янги босқичи сари қўйилган қадам бўлди, десак муболаға бўлмайди.

**Муҳиба САЙФИДДИНОВА,**
**халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати**

Франция Ўзбекистоннинг Европадаги энг муҳим ҳамкори, шериги сифатида нафақат сиёсий, маданий, ижтимоий соҳаларда балки савдо-иқтисодий соҳада ҳам муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланиши барчамизга маълум.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини яхшилаш мақсадида Франция билан ҳукуматлараро тузилган комиссия икки давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тизимли равишда йиғилишлар ўтказиб келмоқда. Хусусан, 2021 йил давомида ушбу комиссия томонидан 8 маротаба, 2023 йилга келиб 9 маротаба ҳамда 2024 йилга келиб эса 10 маротаба ўзаро манфаатли масалалар муҳокамасига бағишланган йиғилишлар ташкил этилган. Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон – Франция” иқтисодий палатаси фаолияти йўлга қўйилиб, бугунги кунда 50 дан ортиқ француз ва ўзбек компаниялари ва тадбиркорларини бирлаштириб, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўз ташрифи давомида барча соҳаларда самарали ҳамкорлик олиб бориш бўйича музокаралар олиб борди. Айниқса, жаҳон рейтингида етакчи ўринларни эгаллаган Франция олийгоҳлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонда Франциянинг илк университетини очиш борасидаги муҳим қадамлар барча ёшларни ва зиёлиларни бирдек қувонтирди.

Биз Самарқандликлар учун фахр ва ғурур бағишлаган ушбу ташрифнинг энг эътиборли жиҳати, Франция пойтахти Париж шаҳри кўчаларидан бирига Самарқанд номи берилгани бўлди.

Шу билан биргаликда, “Самарқанд Француз Алянси”ни ташкил этиш орқали дўстона алоқалар янада мустаҳкамланишига эришилса, ҳудудлараро алоқаларни рағбатлантириш мақсадида 2026 йилда Самарқанд шаҳрида икки мамлакат ҳудудларининг биринчи форумини ўтказиш кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайиши учун кенг йўл очади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу ташриф икки мамлакат ўртасидаги узоқ ва яқин истиқболда барча соҳаларда алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, биз сиёсий куч вакиллари эса ушбу ислоҳатларга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшиш йўлида барча куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

# Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Франция Президентининг Париж шаҳрида бўлиб ўтган музокараларида икки давлат раҳбарлари Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни қабул қилди.

**Ойдин АБДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси**

Ушбу ҳужжат узоқ муддатли, узлуксиз, барқарор, ўзаро манфаатларни амалга оширишга асосланган ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга ошириладиган мақсадларни ўз ичига олди. Хусусан, мутахассислар ва талабалар ҳаракатчанлиги тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, дипломатик паспорт эгаларини виза талабларидан ўзаро озод қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим ҳамда Франциянинг етакчи компаниялари билан Ўзбекистонда 6,5 миллиард евролик истиқболли кооперация лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи Инвестиция ва инновация соҳаларидаги ҳамкорлик дастури бўйича қатор келишувларга эришилди.

Шунингдек, томонлар туризм ва маданий алмашинувларни фаоллаштириш мақсадида тўғридан-тўғри авиақатновлар сонини кўпайтириш масаласини ҳам кўриб чиқдилар.

Таъкидлаш жоиз, 2018 йилда Ўзбекистон-Франция ўртасида туризм бўйича доиравий битим тузилган эди. Ушбу битимда икки давлат ўртасида туризм соҳасида умумий хизмат кўрсатиш вазифалари белгиланганди. Бугунги кунда Фаранцияда туризм соҳаси асосан хусусий сектор зиммасида бўлгани сабабли туризм билан турли француз компания ва ташкилотлари шуғулланади. Бунинг ижобий натижаси ўлароқ, Франция дунё бўйича туризм соҳасида энг етакчи мамлакатлар қаторидан жой эгаллади. Францияга ҳар йили 100 миллион турист ташриф буюриши ҳисобига ушбу давлат ўзининг энг катта даромадини туристик соҳадан олади.

Ўзбекистон-Франция ўртасидаги битимга асосан Франция ҳар йили ўтказиладиган халқаро кўргазмаларда Ўзбекистон маданияти ва санъати учун қулай шарт-шароитлар яратиб келади.

Бугунги кунга келиб, Франция Ўзбекистон учун энг йирик туризм бозорларидан бирига айланмоқда. Негаки, юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳларнинг аксарият қисми франциялик меҳмонлардир. Улар юртимиздаги тарихий обидаларни зиёрат қилиш баробарида, ҳунармандчиликка ихтисослашган маҳаллалар, туристик ва гастрономик кўчаларга ташриф буюриб, у ердаги аҳоли ва унинг фаолияти билан танишадилар. Шу боис, сўнгги йилларда юртимиз аҳолисининг француз тилини ўрганишга бўлган қизиқиши ортиб бормоқда.

Парижда икки давлат раҳбарлари ўртасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида яна бир муҳим ҳужжат – Франция Республикаси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ўртасида аҳдлашув декларацияси имзоланди. У икки давлат ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, айниқса, мусиқа, кино ва саҳна санъати соҳаларида ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилди. Унга кўра, Ўзбекистон ва Франциянинг бадиий таълим соҳасида етук бўлган олий таълим муассасалари ўртасида ўқув-услубий, илмий, концерт-ижрочилик соҳасида манфаатли алмашинувларни амалга ошириш имконияти юзага келади.

Шунингдек, француз киноижодкорларининг Тошкент халқаро кинофестивалида иштирок этишини рағбатлантириш, ўзбек кино усталарининг Канн кинофестивалида қатнашишини қўллаб-қувватлаш каби вазифалар белгиланган. Бундан ташқари, Франция, Ўзбекистон ва француз тилида сўзлашувчи давлатлар ўртасидаги кинематографик ҳамкорликни ривожлантириш, хусусан, Тошкентдаги француз фильмлари фестивали ва бошқа тадбирлар орқали ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ вазифалар илгари сурилган.

Шу билан бирга, Франция ва Ўзбекистон ўртасида маданий алмашинувларни кенгайтириш, жумладан, Тошкентдаги Ёш томошабинлар театрининг 2025 йилда “Авиньон-Off” Халқаро фестивалида иштирок этишини қўллаб-қувватлаш, 2026 йилда “Авиньон-Off” Халқаро фестивали доирасида Ўзбекистоннинг театр, мусиқа ва кино санъатига бағишланган тадбирлар ташкил этиш, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг гастролларини уюштириш назарда тутилган.

Бугунги кунда жаҳонда юз бераётган геосиёсий беқарорлик шароитида Ўзбекистон дунёни тинчлик ва барқарорликка чақирмоқда. Бу каби эзгу ғоялар давлатимиз раҳбарининг жаҳон минбарларидан билдираётган ташаббусларида ўз аксини топмоқда. Бинобарин, бутун дунё жамоатчилиги давлатимиз раҳбарининг бағрикенглик ва дўстона ҳамкорлик сиёсати олиб бориш йўлида қилаётган хизматларини юқори баҳолаётгани муҳим воқеликка айланмоқда. Зеро, Ўзбекистон Президентининг Париж шаҳрида Франция Республикасининг олий мукофоти – Фахрий легион ордени билан тақдирланиши фикримизга яққол далил бўлади. Ушбу юксак мукофот давлатимиз раҳбарига Франция президенти Эммануэль Макрон томонидан тантанали равишда топширилди.

Фахрий легион ордени 1802 йилда буюк француз саркардаси Наполеон Бонапарт томонидан таъсис этилган бўлиб, Францияда ушбу орден давлатнинг тинчлиги ва барқарорлигини таъминлаш йўлида алоҳида хизматларнинг давлат даражасида эътироф этилиши ва шон-шарафнинг энг юқори белгиси ҳисобланади. Икки асрдан ортиқроқ вақт ичида ушбу мукофотга Европанинг 10 нафар давлат арбоби сазовор бўлган экан. Эндиликда ушбу орденнинг Марказий Осиёда илк бор Ўзбекистон давлат раҳбарига топширилиши мамлакатимизнинг жаҳонда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиб бораётганини англатади.



# Стратегик ҳамкорлик даври

Бир қарашда, бир-биридан йироқ географик минтақаларга мансуб, тарихий жараёнлари, сиёсий тизими ва дипломатик ёндашувлари жиҳатидан фарқли бўлган икки давлат ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган стратегик шериклик – замонавий халқаро муносабатлар тизимининг эътиборга молик ҳодисаларидан биридир.

**Дониёр НУРМУҲЕММЕДОВ,**
**“Адолат” СДП Марказий аппарати бўлим бошлиғи**

Ўзбекистон ва Франция – икки қутбдаги икки давлат. Бири Марказий Осиёнинг геосиёсий маркази, Шарқ ва Ғарб чорраҳасида жойлашган, қадимий тарихга эга бўлса, иккинчиси Европанинг етакчи дипломатик кучларидан бири, жаҳон сиёсати ва маданиятига катта таъсир кўрсатиб келаётган мамлакат.

Бугунги кунга келиб, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик нафақат икки томонлама манфаатлар доирасида, балки глобал геосиёсий жараёнлар нуқтаи назаридан ҳам аҳамият касб этмоқда. Ташриф давомида имзоланган келишувлар икки мамлакат иқтисодий алоқаларини янги босқичга олиб чиқди. Франция бизнес доиралари учун Ўзбекистон бозори тобора жозибадор бўлиб бораётгани, бу ерда сармоя киритиш учун қулай шароитлар яратилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон эса ўз саноатини модернизация қилиш ва экспорт имкониятларини кенгайтириш учун Франциянинг илғор технологиялари тажрибасини ҳам ўрганади.

Яна бир муҳим йўналиши – маданий ва илмий ҳамкорлик. Ўзбекистонда француз тилига бўлган қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Франция олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда турли дастурлар йўлга қўйилган бўлиб, ёшлар учун Францияда ўқиш имкониятлари кенгаяпти. Француз музейларида Ўзбекистон маданий меросига бағишланган кўргазмалар ташкил этилиши ҳам бу алоқаларнинг мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.



# КОСОНДА ЯНГИ БОСҚИЧДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

## Партия ташаббуси

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятида муҳим ташаббуслар амалга оширилмоқда. Жумладан Косон тумани ҳокимлигида вилоят Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП фракцияси аъзоси Зуҳриддин Мавлонов, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурханов, Миллий кенгаш аъзолари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Йиғилишда Зуҳриддин Мавлонов сўзга чиқиб, Косон туманини коррупциядан холи ҳудудга айлантириш бўйича ўзининг таклиф ва тавсияларини билдирди. У, айниқса, соғлиқни сақлаш, банк ҳамда бандлик соҳаларидаги коррупциявий омилларни бартараф қилиш учун аниқ вазифалар белгилаш лозимлигини таъкидлади.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурханов бу борада агентлик томонидан амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда ҳудудий кенгаш таркибини тўлиқ янгилаш ва ҳар чоракда коррупция хавфи юқори бўлган битта соҳани чуқур таҳлил қилиб, аниқланган муаммолар юзасидан Миллий кенгашга таклиф киритиб бориш масаласи муҳокама этилди. Шу асосда, ҳудудий кенгашга энди вилоят халқ депутатлари кенгаши раиси раҳбарлик қилиши белгиланди.

Йиғилиш танқидий руҳда ўтди ва ҳудудий кенгашнинг 2025 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Шунингдек, йиғилиш доирасида махсус ишчи гуруҳ Косон тумани бандликка кўмаклашиш марказидаги коррупцияга қарши ишлар ҳолатини ўрганди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқди.

**Қашқадарё вилоят кенгаши матбуот хизмати**



# ЙЎЛ қонуний ҳаракатланишни талаб этади

## “ADOLAT” шарҳи

Сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалалардан бирига айланди. Бу бир жиҳатдан транспорт воситалари сонининг ортиши, қолаверса, йўлларнинг носозлиги билан изоҳланса, иккинчидан кўпгина ҳайдовчиларнинг йўл ҳаракати қоидаларига онгли равишда итоат этмаслиги, қасддан бузиши, қоидаларни очиқдан-очиқ менсимаслигига боғлиқ бўляпти.

**Нодиржон КИМСАНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Косонсой туман судининг тергов судьяси**

Бинобарин, айни йўналишдаги қонунчиликни такомиллаштириш, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг масъулиятини, жавобгарлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу маънода жорий йилнинг 20 февраль куни “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилинди.

Дастлабки ўзгартириш кодекснинг “Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги” деб номланган 171-моддасига киритилди. Яъни махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган тақдирда, маъмурий жавобгарликка транспорт воситасининг мулкдори ёки мазкур транспорт воситасидан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар асосида белгиланган тартибда фойдаланган шахс тортилади. Ваҳоланки, айни пайтгача транспорт воситасининг мулкдори жавобгар бўларди.

Шунингдек, кодекс “Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо қўлланилиши” деб аталган 341-модда билан тўлдирилди. Унга мувофиқ, кодекснинг тегишли 125-моддаси учинчи ва бешинчи қисмларида, 126-моддасида, 127-моддаси биринчи қисмида, $128^3$-моддасида, $128^4$-моддаси иккинчи қисмида, $128^5$, $128^6$, $128^8$, $128^9$, 129, 130-моддаларида, 137-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун транспорт воситаси ҳайдовчисига нисбатан мазкур моддаларда назарда тутилган асосий жазо билан бирга жарима баллари ҳисобланади. Бунда содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун ҳисобланадиган жарима баллининг энг юқори миқдори икки баллдан ошмаслиги керак.

Жарима баллари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан бири биринчи марта содир этилган кундан эътиборан бир йил давомида ҳисоблаб борилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳисобланган жарима баллари бир йил ўтгач транспорт воситасининг ҳайдовчисидан автоматлаштирилган тарзда ечилади.

Ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида ўн икки баллдан ошган ҳолларда, охирги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун ушбу Кодекснинг 24- ва 28-моддаларига мувофиқ қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати олти ойдан кам бўлмаслиги керак.

Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) суди томонидан қўлланилади. Транспорт воситаси ҳайдовчисига нисбатан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима балларини ҳисоблаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс айнан ҳайдовчиларнинг жавобгарлигини оширадиган $128^8$, $128^9$ ва $128^{10}$-моддалар билан тўлдирилди. Эътибор беринг, $128^8$-модда “Транспорт воситасида одам ташиш қоидаларини бузиш” дея номланди. Негаки айрим йўловчи ташувчи ҳайдовчилар йўлда кетаётганда фуқароларнинг ҳаётини хавф остига қўйиб, номаъқул ҳаракатлар қилади. Шу боис одам ташиш қоидаларини бузганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида жарима жазоси белгиланди.

Автобус ва микроавтобусларда ички ишлар органларининг ҳамроҳлигисиз одам ташиш, агар уларнинг ҳамроҳлигида одам ташиш шарт бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

$128^9$-моддага биноан эса транспорт воситаларини қувиб ўтиш қоидаларини бузган ҳайдовчи базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида жарима жазосига тортилади.

Бундан ташқари, $128^{10}$-модда билан йўл безорилиги учун маъмурий жазо белгиланди. Йўл безорилиги, яъни транспорт воситалари ҳайдовчиларининг бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатига қасддан тўсқинлик қилиши, ҳаракатланиш бурчагини ва (ёки) тезлигини сақлаган ҳолда транспорт воситасини сабабсиз сирпантириши (дрифт), ўз йўналишида ҳаракатланиш бўлагини сабабсиз кескин равишда уч ва ундан ортиқ марта узлуксиз ўзгартириши (бундан махсус ажратилган жойларда содир этиш мустасно) ёки йўл ҳаракати иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланишига таҳдид солувчи ёхуд транспорт воситасида йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳурматсизликда ифодаланган бошқа хатти-ҳаракатларни намойишкорона содир этиши транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан бир йилдан икки йилгача муддатга маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Агар транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчи йўл безорилигини содир этса, у базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорида жаримага тортилади ёки ўн беш сутка муддатга маъмурий қамоққа олинади.

Хулоса ўрнида айтганда, йўл фақат қонуний ҳаракатланишни талаб қилади. Буни ҳар бир ҳайдовчи унутмаслиги керак.

# Янгиланиш ва меҳр-оқибат байрами

**Наврўз – бу табиатнинг уйғониши, инсон қалбининг янгиланиши, эзгулик ва ҳамжиҳатлик тимсоли. Асрлар давомида аждодларимиз ушбу файзли байрамни ардоқлаб, уни меҳр-оқибат, тинчлик ва барака рамзи сифатида нишонлаб келишган. Ўзбекистонда Наврўз нафақат фасллар алмашинуви, балки юртга янгича руҳ, янги орзулар, эзгу ниятлар ва юксак интилишлар олиб келувчи мўътабар сана сифатида қутланади.**



Юртимиз бўйлаб Наврўз шоду хуррамлиги ҳукм суриб, халқимиз миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган анъаналар билан байрамни нишонламоқда. Кўчалар ва хонадонлар гуллар, ранг-баранг безаклар билан файзли кўринишга кирмоқда. Ҳар бир хонадонда қадимий таомлар, айниқса, сумалак тайёрлаш анъанаси давом этмоқда. Бу эса халқимиз ўртасида бирдамлик, меҳр-оқибат туйғуларини янада кучайтиради.

"Адолат" СДП **ТОШКЕНТ ШАҲАР** кенгаши ташаббуси билан Олмазор туманидаги "Бўстонобод" маҳалла фуқаролар йиғинида Наврўз байрами муносабати билан сайллар ташкил этилди. Хусусан, халқ депутатлари Олмазор туман Кенгаши депутати Умида Файзиева бошчилигида маҳаллада миллий анъаналаримизга хос миллий таом сумалак пиширилди. Тадбирда оқила аёллар, нуроний отахон ва онахонлар ва ёшлар фаол иштирок этишди.

Наврўз – инсониятга меҳр-мурувват улашувчи, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамловчи байрамдир. "Адолат" социал-демократик партияси ҳам қадим қадриятларни жамиятимизда қарор топтириш, халқимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий тенгликни таъминлаш йўлида фаол ҳаракат қилиб келмоқда.

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Қибрай тумани Мактабгача ва мактаб таълими бўлимига қарашли 7-умумий ўрта таълим мактабида байрам муносабати билан “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” шиори остида “Миллийлик – қонимизда”, деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда “Адолат” СДП Тошкент вилояти кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Гулнора Аҳмедова, туман кенгаши раиси, депутат Шаҳноза Абдуллаева, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, шунингдек, маҳалла фаоллари иштирок этди.

– *Дарҳақиқат, Наврўз – халқимиз учун эзгулик, бирдамлик ва тараққиёт рамзи бўлган қутлуғ айёмдир. Бу байрам нафақат баҳор фаслининг кириб келишини, балки табиат уйғониши, одамлар қалбида умид ва эзгу ниятлар кучайишини англатади. Бугун биз қадриятларимизни ардоқлаб, миллий анъаналаримизга содиқ қолган ҳолда, келажакка ишонч ва умид билан қарамоқдамиз. “Адолатли жамият – фаровон келажак!” ғояси остида янада жипслашиб, юртимизнинг тараққиётига ҳисса қўшайлик!* – деди Гулнора Аҳмедова.



Тадбирда ўқувчи ва ўқитувчилар томонидан ижодий чиқишлар, турли миллат вакилларининг миллий кийимлардаги рақс ва қўшиқлари йиғилганларга хурсандчилик бағишлади.

**ФАРҒОНА. Жаннатмакон Ўзбекистон ўрик гуллари ифорларидан безанган шукуҳли онларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида халқ сайллари-ю, сумалак сайллари ташкил этилиб, халқимиз байрамни ҳамжиҳатлик ва бирдамликда нишонламоқда.**



“Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” шиори остида ўтказилаётган байрам сайли Олтиариқ тумани марказий ўйингоҳида ҳам катта шодиёнага айланди.

Халқ сайлида миллий либослардан тортиб, асрий қадриятларимизнинг бебаҳо неъмати сумалак, кўк сомсаю кўк чучвара, қатлама, патир сингари миллий таомларимиз кўргазмалари ташкил этилди. Миллий ўйинлар, спорт мусобақалари, расмлар танловлари ташкил этилиб, ғолибларга байрам туҳфалари топширилди.

– *Байрам тантаналарида Ўзбекистон “Адолат” СДПдан туман Кенгашига сайланган депутатлар, партия фаоллари ва аёллар ва “Ёш адолатчилар” қаноати аъзолари билан фаол иштирок этдик,* **– деди туман кенгаши раиси Алижон Ҳамдамов.** – *Халқимиз вакиллари билан суҳбатлашар эканмиз, шундай тинч ва осуда юрт бағрида яшаётганликлари учун бахтиёрликларини билдириб, дуога қўл очдилар. Илоҳим янги кун – халқимиз ҳаётига янги орзулар рўёбини бошлаб келсин. Юртимиз тинчлиги боқий, ватанимиз тараққиёти бундан-да, юксак бўлсин.*

Ҳамжиҳатлик, бирдамлик байрамида эл ардоғидаги хонандаларнинг дилтортар қўшиқлари янграб, рақкосаларнинг бетакрор рақслари барчага кўтаринки руҳ бағишлади.

**Вилоятлар кенгашлари матбуот хизмати**





# Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг Наврўз бўлсин!

Юртимизга баҳорнинг ташрифи, аввало, табиат қўйнидан бошланади. Қишнинг рутубатлари, аёзли ялдо тунлари, аччиқ совуқлари барҳам топиб, қуёш нурларида заминга тафт берувчи илиқлик пайдо бўлади. Табиат қўйнида ажиб бир ҳалимлик уйғонади. Еллар эсиб, борлиқ абри найсонлар суйидан баҳра олади. Чучмомалар, майсалар бўй кўрсатиб, дов-дарахтларга яшиллик ина бошлайди. Ариқларда сувлар шилдираши қулоққа чалинади. Даштларга, яйловларга, далаларга файз киради, боғлар яшилланади, саҳролар, тоғлар, ўнгирларда кўклам нафаси кеза бошлайди. Баҳор юртимизга ана шундай уйғоқликни, яшаришни, гўзалликни олиб келади.

**Камол МАТЁҚУБОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

Баҳор юртимизда тантаналар, байрамлар, шодиёналар фасли сифатида ҳам эътироф этилади. Унинг энг нуфузли байрамларидан бири Наврўз ҳисобланади. Шарқ халқлари томонидан янги йил сифатида улуғланадиган Наврўз мамлакатимизда энг азиз миллий байрам деб эҳтиром қилинади. Ҳамалнинг биринчи куни, баҳорий тенг кунлик деб аталадиган Янги кун — Наврўзни халқимиз неча минг йиллардан бери улуғ шодиёна тарзида нишонлаб келган. Унинг қадимийлигига кекса тарих гувоҳ.

Абу Райҳон Беруний “Осор ул-боқия” асарида Фарвардин моҳнинг биринчи куни Наврўз санасидир, у янги йилнинг биринчи куни бўлиб, баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунича, ўсимликлар униб чиқишидан такомиллашгунича давом этган вақтда келади, шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган, деб маълумот беради. Улуғ аллома *“Жамшиддан кейинги подшоҳлар Фарвардин моҳнинг барча кунларини байрамга айлантириб, уларни олти қисмга бўлдилар. Биринчи беш кун подшоҳлар учун, иккинчиси улуғ кишилар учун, учинчиси подшоҳларнинг ғуломлари учун, тўртинчиси хизматкорлари учун, бешинчиси халқ оммаси учун, олтинчиси чўпонлар учун байрам қилиб белгиланди”, деб ёзади. Шу билан бирга Беруний “Фарвардин моҳнинг олтинчи куни катта Наврўз байрами. Айтишларича, шу куни Аллоҳ маҳлуқотни яратишдан фориғ бўлган, Муштарий шу куни яратилган ва бу куннинг энг саодатли вақти Муштарий соатидир. Шу куни Зардуштнинг Худога муножат этиш навбати етган, Кайхусров ҳавога кўтарилган, Ерда яшовчиларга шу куни саодатлар тақсим этилган. Шунинг учун халқлар бу кунни “Умид куни” деб атайдилар”,* деган ривоятни ҳам келтиради. Алломанинг ёзишича, Наврўз куни етти хил дон экилган, уларнинг униб чиқишига қараб, шу йилги ғаллаларнинг тўлиқ ёки пуч бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, Наврўз куни Харузо номли сув фариштаси куни ҳам ҳисобланган. Шу сабаб одамлар оқиб турган сувлардан идишларга сув олиб, умрлари баракатли ва офатлардан холи бўлиши учун устларидан сув қуйганлар. Наврўзда сув сепиш маросими ана шундай пайдо бўлган.

Улуғ муаррих Абу Бакр Муҳаммад ан-Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Варахша қалъаси ҳақида сўз юритганда бундай деб ёзади: *“Бу ерда ҳар ўн беш кунда бир кун бозор бўлади, йилнинг охирида эса одамлар йигирма кун бозор қилиб, йигирма биринчи куни Наврўз — янги йил байрамини ўтказадилар. Буни “Наврўзи кишоварзон” — “Деҳқонлар наврўзи” дейдилар. Бухоро деҳқонлари (йил кунлари) ҳисобини ўша кундан бошлайдилар ва бунга эътибор берадилар. Оташпарастларнинг Наврўзи ундан беш кун кейин келади”.* Бошқа бир тарихчи Абул Ҳасан Нишопурий “Хазоин ул-улум” асарида оташпарастлар (зардуштийлар) Наврўзи ҳақида яна шундай деб маълумот беради: *“Сиёвуш ибн Кайковус ўз отасидан қочиб, Жайхун дарёсидан ўтиб, Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, мулкнинг бир қисми — вилоятни ҳам унга топширди. Бу вилоят ўзига вақтинча берилиб қўйилган жой эканлиги туфайли Сиёвуш бу ерда ўзидан бир ёдгорлик қолдиришни истади. Шундай қилиб, у Бухоро ҳисорини бино қилдирди. Кимлардир у билан Афросиёб ўртасида ёмон гап юргизди ва натижада Афросиёб уни ўлдирди ҳамда ана шу ҳисорда шарқий дарвозадан кираверишда “Дарвозаи ғуриён” деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дафн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили Наврўз куни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларда машҳурдир. Қўшиқчилар уни “оташпарастлар йиғиси” дейдилар. Бу гаплар бўлганига ҳозир уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди”.*

Бу маълумотлар Наврўз байрамининг нафақат қадимийлигини, унинг туб негизлари юртимиз билан боғлиқлигини ҳам исботлайди. Наврўз қандай замон ва қандай даврон бўлишига қарамай, барча даврларда буюк қадрият сифатида улуғлаб келинган. Юртимизга босқинлар ва таъқиқлар ҳам уни халқимиз қалбидан ўчира олмаган. Шу сабабли ҳам бу байрам биз учун ҳаёт абадийлигини, табиатнинг устувор қудрати ва саховатини, минглаб йиллик қадриятларимизни, аждодларимизнинг ўлмас мероси бўлган урф-одатларимизни ифодаловчи байрам сифатида яшаб келмоқда. Бу байрамнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, халқимизга, миллатимизга хос юксак инсонийлик, меҳр-мурувват, оқибат, қадр-қиммат, саховатпешалик, бағри кенглик, самимийлик каби олижаноб қадриятлар асарлар оша ўтиб, сайқалланиб, янгича маъно касб этади.

Наврўз нафақат умумхалқ байрами, балки йилбоши сифатида қилинган ишларни таҳлил қилиш, режаларни белгилаб олиш айёми ҳам ҳисобланади. Бу айёмда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётида амалга оширилган яратувчилик, бунёдкорлик ишлари сарҳисоб қилинади. Юртимиз ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, янгиланишлар, юксалишлар омиллари таҳлил этилади. “Ўзбекистон — 2030” Ҳаракатлар стратегиясининг жорий йил учун ва “Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили” доирасида қилинадиган ишлар кўлами белгилаб олинади. Табиатдаги янгиланишлар жамиятдаги ўзгаришларга, яратувчиликларга йўл очиб беради.

Шу билан бирга мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида умумхалқ байрами бўлган Наврўзни кенг нишонлаш мақсадида ҳар йили давлатимиз раҳбарининг алоҳида қарори қабул қилиниши ушбу байрамнинг юксак нуфузини кўрсатади. Қарор асосида байрамга хос турфа жиҳатлар улуғланади. Давлатимиз раҳбарининг бу йилги “Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ушбу байрам билан боғлиқ қадриятларни улуғлашга алоҳида аҳамият берилди. Шунинг учун байрам юртимизда “ҚАДРИЯТЛАРИНГ БОҚИЙ БЎЛСИН, НАВРЎЗ!” деган бош ғоя асосида нишонланмоқда. Айни пайтда байрамни миллий қадриятлар, анъаналар ҳамда бугунги ислоҳотлар маъно-моҳиятига мос ҳолда, юксак даражада ташкил этиш учун, унда юртдошларимизнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида барча тадбирлар борлиқнинг уйғониши, инсон ва табиат ўртасидаги уйғунлик, она заминга меҳр ва эътиборни ифода этадиган, халқимизни тинч ва осуда ҳаётимизни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга ундайдиган шаклда, республикамизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, юртдошларимизнинг кундалик ҳаёти, онги, дунёқарашида юз бераётган ижобий ўзгаришлар байрам моҳиятига, азалий қадрият ва анъаналарга ҳамоҳанг эканини акс этирган тарзда ўтказилмоқда.

Бу йилги Наврўз байрами муқаддас Рамазон ойида нишонланаётгани туфайли кекса авлод вакилларини, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийларини эъзозлаб, “Меҳрибонлик”, “Саховат”, “Мурувват” уйларида яшаётган шахслар, ижтимоий ҳимоя дафтарларига киритилган ва кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳолидан хабар олиниб, улар учун хайрия тадбирлари ўтказилиб, байрам дастурхонлари ёзилмоқда. Шунингдек, байрам арафасида барча ҳудудларда, туманларда, шаҳарларда, маҳаллалар ва кўчаларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ умумхалқ ҳашарлари ўтказилди, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Байрам тадбирлари давомида хунармандчилик, китоб кўргазмалари ташкил этилиб, миллий спорт мусобақалари уюштирилмоқда, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлаштирилган ярмаркалари, кўчма савдо дўконлари ишламоқда. Жойларда кўклам таомларини тайёрлаш борасида танловлар ўтказилмоқда.

Бу йилги Наврўз тантаналарининг авалги йилларга нисбатан фарқли томони шундаки, байрамни ўтказишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос удум ва анъаналарига, юртимизда яшаётган турли миллат ва элатлар вакилларининг миллий урф-одатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бошқача айтганда, байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган эзгу-қадриятлар юртдошларимизни эъзозлаш, она заминни асраб-авайлаш, жамиятда дўстлик, ҳамжиҳатлик муҳитини барқарорлаштириш тамойиллари билан уйғунлашмоқда.

Наврўз юртимизда табиатнинг уйғониши, янгиланиши, борлиқнинг гўзал, маъсум қиёфаси билан намоён бўлади. Табиатдаги гўзаллик байрамга ҳам алоҳида шукуҳ бағишлайди. Шунинг учун шоирлар уни доим мадҳ этиб келганлар. Агар улуғ шоир Фирдавсий Наврўзни

*Йил боши Ҳурмузу эди фарвардин,*
*Дилда на ғам қолди, на адоват-кин.*
*Бу бахтиёр кунни ўшандан буён,*
*Шоҳлардан ёдгор деб билурлар ҳамон,*

деб ёзса, мутафаккир шоир Алишер Навоий

*Адолат аро фасли Наврўздек,*
*Сиёсатда барқи жаҳон сўздек,*

дея сиёсат майдонида адолатнинг барқарор бўлишини Наврўзнинг ҳаётда абадийлигига менгзайди. Наврўзхонлик анъанаси замондош шоирларимиз ижодида ҳам давом этмоқда. Абдулла Орипов

*Мана, бугун Наврўзи олам,*
*Дўстларимга гуллар тутарман.*
*Қайлардасан, севгили эркам...*
*Қўлимда гул сени кутарман,*
*Умрим бўй чорлаб ўтарман.*
*Сен баҳорни соғинмадингми?!*

дея Наврўз ва баҳорни мадҳ этса, атоқли шоира Ҳалима Худойбердиева

*Қори кетган боғлар бу кун тўлаётир қушларга,*
*Наврўз нони, сумалаги тағин тегди тишларга,*
*Менам ҳайрон ўтаётган яхши-ёмон ишларга*
*Зорим будир. Майли, сен кел, кулфат келмасин, Наврўз! –*

деб ёзади. Бу сатрлар Наврўз ижод аҳлининг мангулик мавзусига айланганини кўрсатади.

Наврўз кўп асрлар давомида нафақат юртимизда, балки Шарқ халқлари, мамлакатларининг Янги йил байрами сифатида улуғлаб келинган. Бу байрам Покистон ва Афғонистонда етти хил таом ва етти хил шарбат тайёрланган ҳолда кутиб олинади. Қозоғистонда байрам куни пишириладиган энг тансиқ таом – Наврўз гўжасига еттита маҳсулот солинган. Наврўз – энг улуғ кун деб белгиланган. Қирғизистонда март ойи Наврўз ойи деб белгиланган ва бу ойда туғилганларга Наврўз исми қўйилган. Туркманистонда 21 мартда Наврўз байрами билан биргаликда “Оналар куни”, “Аёллар куни” ҳам нишонланади. Эронда бу байрам 13 кун тантана қилинса, Тожикистонда етти хил таом пишириб, кутиб олинади. Озарбайжонликлар байрам тантаналарини мусаффо булоқларда ва дарёларда чўмилиб, бир-бирларини ширинликлар билан сайлашдан бошласа, туркияликлар Наврўзни 23 мартда нишонлашади. Байрам қаерда, қандай тантана қилинишидан қатъи назар инсонлар ўртасида меҳр-оқибатни кучайтиришга хизмат қилган. Эндиликда бу байрам руҳи умуминсоний ғоялари, гўзал анъаналари, ўлмас қадриятлари билан дунё халқлари ҳаётига ҳам сингиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 2010 йил 23 февралдаги резолюциясига мувофиқ, 21 март ҳар йили дунё миқёсида Наврўз халқаро кун сифатида нишонлаб келинмоқда.

Халқимиз ҳар бир кун, ҳар бир сана ва ҳар бир байрамни улуғ тутган. Уларга янгиланишларнинг, яхшиликларнинг бошланиши деб эҳтиром билан муносабатда бўлган. Шу сабабли улуғ алломаларимиз янги кун, янги йил ва байрамларни ҳафтанинг қайси вақтида кириб келиши, қай тарзда бошланишини белгилаб, йил давомида содир бўладиган воқеа-ҳодисалар, табиатда ва жамиятда, инсонлар ҳаётида юз берадиган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Яъни “Йилнома”, “Солнома”, “Наврўзнома” каби тақвимларни яратганлар. Ана шулар орасида улуғ аллома Ҳаким ат-Термизийнинг “Солнома” ва “Наврўзнома” тақвимлари энг ишончли манбалар сифатида эъзозланади.

Жумладан, Ҳаким ат-Термизий “Наврўзнома” асарида *“Агар Наврўзи олам жума куни доҳил бўлса, Зуҳра(Венера)га тааллуқли бўлгай. Ул йил фараҳ(шод)лик ва фаровонлик бўлгай. Ёмғир кўп ёқгай, совуқ қаттиқ, қиш узун, йил охирида андак қимматчилик бўлгай. Ғалла сақламоқ керак. Бозургонлик, савдогарчилик кўп яхши бўлгай. Кечки зироатга офат еткай. Ул йилда нархлар арзон бўлгай. Неъмат кўп бўлгай, зироатлар хўб бўлгай. Кунжут ўртача бўлгай. Сипоҳ(лашкар)ларнинг иши ўнглангай. Юртда осойишталик бўлгай”,* деб маълумот беради. “Солнома” асарида эса *“Агар илон йили кирса юртда хушклук(қуруқлик) ва ободлик бўлгай. Қиши қаттиғ бўлиб, кўп дарахт ва узумларни совуқ ургай. Ғаллалар қимматлашади, лекин аҳоли ҳаётида маъмурчилик юзага келгай. Одамлар ўртасида меҳр-оқибат кўтарилгай, бироқ юртда тинчлик-хотиржамлик, осойишталик сақлангай. Деҳқонлар ва ҳунармадларнинг иши ўнгидан келгай. Ҳар фарзандки, йилнинг аввалинда туғилса, дурандиш (узоқни ўйловчи) ва камсухан бўлгай, бой, хушфеъл ва хушгуфтор бўлгай. Агар йилнинг ўртасида туғилса, баъзилари бадхулқ, баъзилари камсуқум, самимий бўлгай. Йилнинг охирида туғилса, билимли, мардона, ҳимматли ва шашқолоқ бўлгай. Бу йил юртни ўйлайдиган ва унга хизмат қиладиган инсонлар кўпайгай”,* деб башорат қилади.

Улуғ алломанинг башоратларини эътиборга олиб, бу йил Ҳамалдан илон йили бошланишини ва Наврўз жума куни киришини ҳисобга оладиган бўлсак, юртимиз ва халқимиз учун 2025 йил хайрли, барокатли, ютуқларга бой йил бўлишидан далолат бермоқда. Илоҳо, Наврўз, улуғ аллома ёзганидек, юртимизга яхшиликларни, қувонч ва ютуқларни бошлаб келсин.

*Наврўз янги кун, янги йил, байрам тарзида нишонланишидан ташқари, у борлиқни, табиатни, кун ва тунни мувозанатга келтирувчи айём сифатида ҳам улуғланади. Эндиликда у нафақат табиатни, кун ва тунни, балки барча халқларни, мамлакатларни, умуман, дунёни, ҳаётни мувозанатга келтирувчи, гўзалликни, меҳр-муҳаббатни қарор топтирувчи айёмга айланмоқда. Бу йил Наврўз яна бир муборак айём, мусулмон оламида имон-эътиқоднинг собитлигини мустаҳкамлайдиган, нафсни тийишга, покланишга хизмат қиладиган моҳи Рамазон кунларига тўғри келди. Бундай пайтда ҳар қандай инсон кўнглидан улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг*

***Зулфу рухсор ила коминга мени еткурсанг,***
***Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсин Наврўз,***

деган мисрлари ўтиши аниқ!

## Имтиҳон

*Сен Ватан ҳақида берма кўп савол,*
*Лоф урма Ватаннинг муҳаббати деб.*
*Уни мансаб каби айлама хаёл,*
*Ёхуд суҳбатингга эмасдир у зеб.*
*Ватан танангдаги жондир, қондир бу,*
*Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

*Бу улуғ севгида илоҳийлик бор,*
*Ватанни чин фарзанд фаромуш этмас.*
*Менга ўз туйғумни ўргатма зинҳор,*
*Инчунин, кибрнинг бозори ўтмас.*
*Рост гапни ёлғондан фарқлар ондир бу,*
*Ватанни севмоқдик имтиҳондир бу.*

*Асл қаҳрамон ким ёруғ дунёда?*
*Ғоясин таъмага алмашмаган зот.*
*Чуғурчуқ кўпайса ҳаддан зиёда,*
*Бургут бўлиб яшаш олий мукофот.*
*Қул ҳам юртин севса шоҳдир, хондир бу,*
*Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

*Гарчи кўҳна замин умум макондир,*
*Инсоннинг ҳар жойда ёнсин чироғи.*
*Мўъжаз бўлса ҳамки, кулбанг ошёндир,*
*Она даргоҳидек унинг қучоғи.*
*Сен учун поёнсиз каҳкашондир бу,*
*Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.*

## Вафо қилурмисан, баҳорим

*Руҳимда йўқолди қарорим,*
*Танимда қолмади мадорим.*
*Бизларни бир йўқлаб келибсан,*
*Вафо қилурмисан, баҳорим?!*

*Ёз ўтди, куз ўтди, қиш ўтди,*
*Бошлардан синовли иш ўтди.*
*Юракка изғирин — ниш ўтди,*
*Вафо қилурмисан, баҳорим?!*

*Ям-яшил қирларни соғиндим,*
*Чечакзор ерларни соғиндим,*
*У инжа сирларни соғиндим,*
*Вафо қилурмисан, баҳорим?!*

*Лоланинг лаблари хандадир,*
*Доғи ҳам тубида — андадир.*
*Ўхшаши руҳ ила тандадир,*
*Вафо қилурмисан, баҳорим?!*

*Интиқмиз дўст билан, ёр билан,*
*Шеър билан, соз билан — тор билан,*
*Дийдорлаш бизнингдек хор билан,*
*Вафо қилурмисан, баҳорим?!*

## Янги авлод

**Набирам Ойбекжонга**

*Оламнинг бори шу: Зулмат билан Нур,*
*Ҳамда барчасини бунёд этган Зот.*
*Қанча ҳақ бўлмасин онгу тафаккур,*
*Мутлоқ бошқа экан яшаш ва ҳаёт.*

*Боённи кўрганда эмаклаб ҳар он,*
*Кунини ўтказган қанчалар одам.*
*Бу қавм дўст бўлмас асло, ҳеч қачон,*
*Айт-чи, зарурмикан улар сенга ҳам?*

*Довуллар умрингни совурди бутун,*
*Етмади бардошинг, сабру тоқатинг.*
*Энди, бари бирдир кундуз билан тун,*
*Энди, ортиқчадир қўлда соатинг.*

*Қофия ахтариш балки нодаркор,*
*Шеърдан азизроқдир ақча жаранги.*
*Лекин туғуруқхона деган бир юрт бор,*
*Унинг фуқароси тамоман янги.*

*У ҳали билмайди ушбу дунёни,*
*Билмайди савоб не, нимадир гуноҳ.*
*Юмуқ кўзларида асрар зиёни,*
*Унинг истиқболин қўриқлар Илоҳ.*

*Шоир, тушкунликка тушмагин асло,*
*Тирик юрганингга шукур қил, албат.*
*Энг гўзал, энг ноёб шеърингни аммо*
*Ўша, янги авлод номига жўнат!*

Сенинг тенгдошинг



**Рукнимизнинг галдаги меҳмони – Александр Файнберг номидаги махсус стипендия совриндори, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси Занжилой Абдусаломова. Сирдарёлик 22 ёшли бўлғуси журналист ва ёш ижодкорнинг 2018 йилда “Тинчлик”, 2019 йилда “Шукрона”, 2020 йилда “Юрт байроғи юрагида ҳилпираганлар”, 2022 йилда “Нур устига нур” ва “Парвоз” каби тўпламлари чоп этилган.**

**Журналистика соҳасида таълим олиш билан бирга турли тадбир ва конференцияларда лойиҳа ва ташаббуслари, бадиий ва илмий мақолалари билан фаол иштирок этиб келмоқда. Инглиз, тожик, турк, немис, рус тилларини билади. Аҳамиятлиси, Занжилой учун бу йилги кўклам омадли келди. Гап шундаки, қаҳрамонимиз маданият соҳасида журналистика ва суҳандонлик йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланди. Янгиланиш ва яшариш, эзгулик ва меҳр-муҳаббат, тотувлик ва бирдамлик рамзи бўлган Наврўзи олам арафасида Занжилой билан унинг ижоди, адабиёт ва журналистикага бўлган қизиқиши хусусида суҳбатлашдик.**




# Орзулари ойдан-да ойдин қиз

## Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Занжилой АБДУСАЛОМОВА билан суҳбат

***– Занжилой, аввало, мукофот муборак бўлсин! Суҳбатимизни адабиёт ва журналистикага бўлган қизиқишингиз сабабларидан бошласак. Яна бир муҳим жиҳат – исмингиз ноодатий. Унинг қандай маънога эга эканлигини ҳам очиқласангиз...***

– Раҳмат! Ҳақиқатан ҳам, бу мукофот мен учун нафақат кучли рағбат, балки улкан масъулият ҳам. Очиғини айтсам, болалигим китоб ва газета-журналлар мутолааси билан ўтган. Абдусалом бобом раҳматли адабиётга жуда ҳурмат билан қарайдиган инсон эди. Уйимизда газеталар ва турли адабий нашрлар доимо ўқиларди, бора-бора бу одат менда ҳам шаклланиб борган. Велосипеддаги почтачи амакимни узоқдан кўриб, хурсанд бўлардим. Чунки фақат бобомнинг нафақасини эмас, балки мен қизиқиб ўқийдиган газета ва журналларни ҳам олиб келарди-да.

Ҳовлимиз бурчагига осилган радио ҳар куни янграб турар, биз эса у ёрдамида дунёдан бохабар бўлардик, қизиқарли маълумотлар билан танишиб, қўшиқлар тинглардик. Кичик дунёмнинг беғубор пайтлари экан шу даврлар... Қишлоғимизда чироқ тез-тез ўчгани учун телевизор кўриш имконияти кам эди. Шунинг учун менинг дунём китоб, газета ва радио орқали шаклланган. Радио тўлқинлари орқали эшитган овозлар, дикторларнинг сўзлаш услуби мени ўзига мафтун қиларди. Ҳатто уларга тақлид қилиб, ўзимча “эфир” олиб борардим, уйдагиларни “тингловчи” деб тасаввур қилардим.

Онам бу қизиқишимни кўриб “Сендан журналист чиқади”, деб кўп айтарди. Унинг бу ишончи менга шижоат бағишлаган, қаламга бўлган меҳримни янада кучайтирган. Вақт ўтиб, шеър ва мақолалар ёзишни бошладим. Аввалги ёзганларимни ҳозир шеър деб бўлмайди, албатта. Аммо бу орзуларга тўла қизалоқнинг улкан мақсадлар сари илк интилиши эди. Мактабда энг севган фаним она тили ва адабиёт бўлган. Ҳар бир дарсим, ҳар бир куним адабиёт билан боғлиқ ўтишини хоҳлардим. Мактабдаги тадбирларда бошловчилик ва ташкилотчилик зиммамда бўлган.

Олийгоҳга келгунимча, республиканинг кўплаб нашрларида мақолаларим чоп этилди. Ана шу қизиқиш, адабиётга бўлган меҳр ва журналистикага бўлган интилувчанлик мени Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига олиб келди. Ижодий имтиҳондан энг юқори балл тўплаб, Халқаро журналистика факультетининг давлат гранти асосидаги талабасига айландим.

Кўпчилик исмимни эшитиб, ҳайратланади. Илгари бу менга ғалати туюлар, катта davраларда исмимни сўрашмасин дейдиган пайтларим ҳам бўлган. Аммо ҳозир исмим билан фахрланаман. Чунки у мен учун нафақат ноёб исм, балки авлодлар хотираси, ота-боболар дуоси ва мақсади билан боғлиқ. Бобом менинг туғилишимдан олдин биринчи неварасига онажонининг исмини қўйишни ният қилган экан. Мен оилада катта фарзандман ва бу шарафли ном менга насиб қилган. “Занжилой” сўзи форс-тожик тилидан олинган бўлиб, “қимматбаҳо, топилмас ой” маъносини англатади. Оилада мени “онажон” деб чақиришади, чунки мен исмини олган бувим жуда шижоатли, иродали аёл бўлган экан. Одамлар мени у кишига ўхшатишади, тиришқоқлигим, бир ишни бошласам, охирига етказмагунча тўхтамаслигим ҳам бувимдан мерос.

Мен бу исмга муносиб бўлиш учун ҳаракатдаман. Чунки исм инсон тақдирини ҳам қайсидир маънода белгилайди, менимча.

***– Журналистика тезкорликни, фактлар билан ишлашни талаб қилади. Шеърият эса ўзга олам. Яратган юқтирган бўлмаса, бой тафаккур, образли фикрлаш ва кенг дунёқараш ҳам камлик қилади. Сизда бу иккиси бир-бирига халал бермайдими?***

– Ижодкор учун сўз – фақатгина восита эмас, балки унинг олами, ҳаёт тарзи. Мен учун ҳам журналистика, ҳам шеърият ўз ўрнига эга. Бирини иккинчисидан устун қўймайман, аксинча, улар бир-бирини тўлдиради, деб ўйлайман. Кузатсам, соҳадаги кўплаб таниқли устозларимиз, маҳоратли журналистларимиз, албатта, ё таржима, ёки назм ва насрда баракали, сермаҳсул ижод қилади. Журналистика ҳаёт ҳақиқатларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва одамларга таъсир ўтказиш имкониятини берса, шеърият ҳис-туйғуларни, ички кечинмаларни ифода этишнинг беҳад эркин шакли.

Журналистикага бўлган қизиқишим эса аста-секин шаклланди. Илк мақолам газетада чоп этилганида, бу соҳада истиқболимни кўрдим. Шеър – неъмат, менимча. Уни ҳис қилиш, яратиш, унда яшаш бошқа нарса. Буни соҳада ҳаваскорлардан бири айтяпти. Аммо шеър ёзиш жону дилим.

Ҳозир асосий эътиборимни публицистикага қаратяпман, чунки бу орқали жамият учун муҳим мавзуларни кўтариш, долзарб муаммоларни ёритиш мумкин.

***– Бугунги кунда ижодкорлар учун имкониятлар жуда кўп – анъанавий газета ва журналлар, ижтимоий тармоқлардан тортиб, блог ва подкастларгача. Сиз учун энг самарали платформа қайси ҳамда замонавий ёш ижодкор учун анъанавий нашрлар қанчалик муҳим, деб ўйлайсиз?***

– Мен учун газета ва журналлар нафақат ахборот манбаи, балки устоз ҳам. Ўзингиз ҳам билсангиз керак: телефон каби технологиялар ҳали унча ҳам тараққий этмаган пайтлари ота-оналаримиз, катталар билан ҳафтада ҳеч қурса бир маротаба матбуот дўконларига бориб, нашр сотиб олардик. “Тонг юлдузи”, “Ғунча”, “Гулхан” каби болалар нашрлари қаторига бориб-бориб “Билимдон”, “Жажжи академик” қўшилди. Уларда нашр этилган кўплаб мақолалар, материаллар дунёқарашимни шакллантиришга ёрдам берган.

Шундан уларга меҳрим бошқача. Бу борада тенгдошларим билан кўп баҳслашамиз. “Газета-журналлар эскирган, ҳозир ёшлар интернетда ўқийди”, дейди баъзилар. Буни инкор қилмайман, ҳақиқатан ҳам, онлайн платформа ва ижтимоий тармоқлар ахборот олишнинг энг тезкор воситасига айланди. Лекин мен ҳали ҳам қоғоздаги нашрларнинг қиймати беқиёс, деб ўйлайман. Биз кўпинча ривожланган мамлакатларга ҳавас қиламиз. Ҳолбуки, ўша давлатларда ҳам газета ва журналлар мутолаа маданиятининг ажралмас қисми бўлиб қолмоқда.

Бугун интернет платформаларнинг афзаллиги шундаки, улар тезкор, интерактив ва эркин. Буни инкор этиб бўлмайди. Бироқ анъанавий нашрларни сақлаб қолиш, уларнинг ўқувчисини йўқотмаслик учун ҳам ҳаракат қилишимиз керак. Чунки газеталар шовқиндан холи, таҳлилга бой ва энг муҳими – бир неча сонияда ўқилиб, унутилмайди. Улар вақт синовидан ўтган тажрибанинг, босма сўзнинг кучини сақлаб қолган. Шунинг учун ҳам мен ҳар икки платформадан самарали фойдаланиш тарафдориман: тезкор ахборотни онлайн ўқийман, аммо чуқур таҳлил ва мустаҳкам фикрлаш учун анъанавий матбуотга мурожаат қиламан.

***– “Қизлар овози” клубининг Сирдарё вилояти бош координатори сифатида фаолият олиб боряпсиз. Ушбу ҳаракатга қўшилишингизга қайси омиллар туртки бўлди?***

– Мен учун жамоат ишларида фаол қатнашиш, волонтёрлик фаолияти – катта иштиёқ билан бажариладиган машғулотлардан бири саналади. Бошқаларга фойданг тегиши учун ҳаракат қилиш – бу ажойиб! Ахир айтишади-ку: “Яхшилик қил, яхшиликдан яхшиси йўқ!”, деб. Болалигимданоқ ёшлар ҳаракатларида иштирок этганман, мактаб пайтимда Ёшлар иттифоқи сардори сифатида туман ва вилоят миқёсидаги тадбирларда фаол қатнашганман. Волонтёрлик – бу фақатгина кўнгилли меҳнат эмас, балки инсоннинг жамиятга, одамларга бўлган меҳрининг кўринишидир.

Бу ҳаётда ўз ўрнимни топиш, хайрли лойиҳаларда қатнашиш ва жамиятни яхши томонга ўзгартириш имконияти, деб биламан. Ҳозир Тошкентда таҳсил олаётган бўлсам-да, доимий равишда Сирдарёдаги тадбирларда қатнашаман. Чунки бу ер – менинг шундай даражага етишишимга йўл очган она диёрим. Бугун давлатимиз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган бир даврда яшаяпмиз. Хусусан, биз, қизлар учун яратилган имкониятлар тобора кенгайиб бормоқда. Менинг орзуларим рўёбга чиқишида энг катта таянчлардан бири – Ёшлар ишлари агентлиги бўлди.

2022 йилда айнан агентлик кўмагида илк китобим чоп этилди. 2024 йилда эса "Келажак касблари" лойиҳаси доирасида чет тилини ўргандим, Беш ташаббус олимпиадасининг "Мушоира" танловида ғолиб бўлдим. Булар менга берилган имкониятларнинг биргина қисми, холос. Айни пайтда "Қизлар овози" клуби фаолиятини ташкил этиш, қизларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб қилиш устида ишлаяпмиз. Бу клубда иштирок этиш менга нафақат масъулият, балки катта ишончни оқлаш масъулиятини ҳам юклади.

Клубнинг мақсади – ёш қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш. Бугун қизлар ижтимоий жараёнларда тобора фаоллашмоқда, аммо уларнинг қўллаб-қувватловига, мотивациясига ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайман.

**– “Ёш ижодкорларнинг Зомин анжумани”, “Мушоира”, “Энг улуғ, энг азиз” каби танловлар сиз учун ижодий майдонлар бўлди. Ушбу тажрибалардан энг эсда қолгани қайси бири?**

– Ижодий давралар, тадбирлар ва танловлар мени шакллантирди, қаламимни чархлади. Бугунги кунга қадар соҳам бўйича 50 дан ортиқ танловларда қатнашдим, совриндор бўлдим. Ғолиб бўлганларимда ўзимга ишончим ортди, куч олдим. Кейинги зинага кўтарилиш учун яна ўз устимда ишладим. Бугунги кунда қадар ҳар бир иштирок этган танловимнинг ҳаётимда ўзига яраша ўрни, қувонч билан эслайдиган хотиралари бор. Шулардан бири менга катта бир мактаб вазифасини бажарган Зомин семинаридир.

Ҳар йили ўтказиладиган ижодкорларнинг анаънавий Зомин семинарида 2024 йили бадиий публицистика йўналишида иштирок этдим. Ўриклисой бағрида баҳаво тоғлар орасида улуғ устозлардан маҳорат дарслари ва дуо олдим. Бу семинар юрагимда улкан ўрин эгаллаган.

***– Бугунги ёшлар орасида китоб ўқишга бўлган қизиқиш турлича баҳоланмоқда. Баъзилар ёшлар орасида китобхонлик пасайганини таъкидлайди, бошқалар эса замонавий ёшлар мутолаага янгича ёндашаётганини айтади. Сизнингча бугунги ёш авлоднинг китоб ўқишга бўлган муносабати қандай?***

– Китоб – ўзига хос мўъжиза. Баъзан битта яхши асар ҳаётимизни ўзгартириб юбориши мумкин. Бугунги ёшлар одатдагидек қоғоз китобларни эмас, электрон ёки аудиокитобларга кўпроқ мурожаат қилмоқда. Муҳими – қандай шаклда эмас, нима ўқиётганимиз! Ҳозирда ёшлар учун китоб ўқишни рағбатлантиришга қаратилган турли лойиҳалар бор. "Ёш китобхон", "Зукко китобхон" каби танловлар нафақат китобхонларни аниқлайди, балки ўқишга бўлган иштиёқни оширишга ҳам хизмат қилади.

Ўзим ҳам "Мутолаа" платформасидан фаол фойдаланаман, чунки у қулай ва вақтимни тежашга ёрдам беради. Китоблар ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланган. Ҳар бир ўқиган китобимнинг ўз ўрни бор. Энг таъсир қилгани эса – Пауло Коэлонинг "Алкимёгар" асари. Бу китоб менга инсон ўз орзулари сари дадил бориши кераклигини, ҳар қандай қийинчилик ичида ҳам имконият борлигини ўргатди. Китоб мутолааси пасайиб кетди, деган фикрга тўлиқ қўшилмайман. Ёшлар ўқияпти, фақат ўқиш формати ўзгарган. Муҳими, китобдан оладиган дарс, ҳаётга қўшадиган қийматимиз бор.

**– Зулфия мукофотини олиш жараёни сиз учун қандай кечди? Сиз топширган йўналишда юксак эътирофга эришишни дилига туккан қизлар қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор бериши лозим?**

– Мукофот – уни олиш учун эмас, ўзини ривожлантириш учун ҳаракат қилганларгагина насиб қилади.

Мен “Зулфия” мукофотига иккинчи уринишимда сазовор бўлдим. Биринчи йили ҳужжат топшириш жараёнида тизимни, жараённи, қандай ютуқларга эътибор берилишини ўргандим. Бу эса менга келаси сафар аниқ мақсад билан ва ҳақиқий натижалар билан қайта ҳаракат қилишимга туртки берди.

Мукофотга даъвогар бўлган ҳар бир қизга бир нарсани айтмоқчиман: аввало, мукофот учун эмас, ўз устингизда ишлаш учун ҳаракат қилинг! Танлаган йўналишингизда энг яхшиси бўлишга интилинг, шунда мукофотнинг ўзи сизнинг ортингиздан келади.

***– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур!***

**Илҳомжон АБДУҚАЮМ ўғли
ёзиб олди**

ADOLAT
Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши
QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!
Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ
Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100
Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
ISSN 2091-5217
Навбатчи муҳаррир – Абдуқаюм Йўлдошев
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 202
Адади – 2 021
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.